

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

(Давоми. Боши 11-бетда.)

Жавоҳир 3-ўринни эгаллаб, 51-халқаро Д.И.Менделеев олимпиадасида бронза медали ва 4-даражали диплом билан тақдирландилар. Умумтаълим фанлари бўйича фан олимпиадасининг шаҳар босқичида кимё фани бўйича 304-гуруҳ ўқувчиси **Абдуҳакимов Жавоҳир** 1-ўринни, 303-гуруҳ ўқувчиси **Шоанваров Шоқодир** 2-ўринни, 204-гуруҳ ўқувчиси **Базарбаев Акбар** 1-ўринни эгалладилар. Биология фани бўйича фан олимпиадасининг шаҳар босқичида 306-гуруҳ ўқувчиси **Ғофурова Аълохон** 2-ўринни, 201-гуруҳ ўқувчиси **Ғофуржонова Мухлиса** 1-ўринни эгалладилар. ТТА билан ҳамкорликда ўтказилган Тошкент шаҳар тиббиёт йўналишидаги касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Президент асарлари билимдони” ва “Хуқуқ билимдони” кўрик-танловида 1-2-босқич иқтидорли ўқувчилари **Абдумўминова Мафтуна ва Жамолова Муслима** 1-ўринни эгаллаб фахрий ёрлик билан тақдирландилар. Тошкент тиббиёт академияси томонидан ўтказилган “Тиббиёт ниҳоллари” кўрик-танловида 306-гуруҳ ўқувчиси **Нурмухамедова Диёрахан** “Энг долзарб мавзу” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Тошкент шаҳар Олмазор тумани хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган “Зулфияхоним издошлари” кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичида **Мирзоҳидова Нигорахон** маданият йўналишида, **Нурмухамедова Диёрахан** фан йўналишида, **Абдумўминова Мафтуна, Мўминова Малика** адабиёт йўналишида фахрий 1-ўринни эгаллаб, Республика босқичида қатнашдилар. Академик лицей ўқувчилари спортнинг турли йўналишлари жумладан **Мирзоҳидова Нигора** сузиш бўйича 41 карра Ўзбекистон чемпиони, 2014-2017 йиллар Ўзбекистон ёзги ва қишги очик чемпионатининг 7 карра Ўзбекистон Республикасининг мутлоқ чемпиони, 2013 йил Франкфуртда 39 давлат қатнашувида бўлиб ўтган Европа ўсмирлар очик чемпионатида кумуш медаль соҳиби, 2014 йил Ўзбекистон ёзги

очик чемпионатида 50 метр “Чалқанча” усулида “Спорт устаси номзоди” унвонига сазовор бўлган. Жиззахда бўлиб ўтган “Баркамол авлод” ўйинларининг 100 метр ва 200 метр чалқанча усулида олтин медаль соҳибаси. 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтадиган 9-Осиё чемпионатида йўлланма олган. **Шодиёров Бахтиёр** “Таэквон-до” спорт устаси унвонига номзод, кўп карра халқаро ва Италияда ўтган жаҳон чемпионати ғолиби. **Эргашев Меҳриддин** “Трамполин” спорти тури бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпиони, Чехияда, Қозоғистон ва Ўзбекистонда бўлиб ўтган халқаро турнирларда бир нечта марта совриндор бўлган. **Дмитрий Ли** камондан ўқ отиш бўйича ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида фахрий 2-ўринни эгаллаган. **Убайдуллаев Шерзод** спортнинг энгил атлетика тури бўйича Ўзбекистондаги ўсмирлар ўртасида 1-ўринни, **Ибодуллаев Абу Бакр** бокс бўйича шаҳар клублараро мусобақада 1-ўринни эгаллади. ТТА ҳамкорлигида ўтказилган спорт байрамида Тоиров Илҳом тош кўтариш мусобақасида 3-ўринни эгаллаб диплом билан тақдирланди. **Бобоева Мафтуна** “Камолот” ЁИХ томонидан ўтказилган “Менинг бизнес голям” танлови доирасида ва табиий фанлардан ўтказилган IV илмий-ижодий конференцияда **Жумаева Нигина, Ғофуржонова Мухлиса** “Энг яхши мақола” номинациясида ғолиб бўлганлиги учун диплом билан, **Нажмиддинов Шохрухбек ва Қурбонкулов Бехруз** фаол иштироки учун сертификатлар билан тақдирландилар.

2016-2017 ўқув йили Олмазор тумани “Камолот” ЁИХ ташаббуси билан ўтказилган “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов Ёшлар нигоҳида” мавзусида ўтказилган иншолар танловида туманда биринчи ўринни **Алиқуллова Гулираъно** эгаллади.

Академик лицейда илмий-педогогик ютуқлар ҳам талайгина, жумладан, биология кафедраси ўқитувчилари **З.В. Маликов** академик лицей дирек-

тори **А.Р.Шермуратов** муаллифлигида академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун “**Умумий биология дарслиги**” “2016 йилнинг энг яхши дарслиги” танловига топширилди. Шу билан бирга тиллар кафедраси бош ўқитувчиси **Циндидис.И.А.** “**Литература (Русская литература XX-начала XXI-века), Литература (Устное народное творчество, древнерусская литература XV-начала XIX-века)**” дасрликлари нашр этирилди. **Д.Ш. Бобохонованин** “**Применение ИКТ на уроках биологии**”, **Ш.С Юнусова** нинг “**Ёшлар тарбиясида ёт гоьлар мафкуравий иммунитет танқислигига қарши курашиш**” илмий мақолалари, илмий конференция тўпламларида чоп этилди. Ўзбекистондаги Россия элчихонаси хузуридаги “**Россотрудничество**” ташкилоти томонидан сермахсул ҳамкорлик ҳамда Тошкент шаҳрида “Славян ёзуви ва маданияти куни” муносабати билан ташкил этилган тадбирдаги фаоллиги учун фахрий ёрлик билан тақдирланди. 2016 йил сентябрь **Ф.М.Воҳидова** “Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йиллиги” кўкрак нишони ҳамда 2016 йил октябрь **Р.У.Жўраева** давлат мукофоти – “Дўстик” ордени билан тақдирланган. **Р.Н.Бабаева, Д.Ш.Бабаханова** “Ўрта махсус касб-хунар таълими аълочили” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: “**Биз таянчимиз ва сунъанчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан ҳурмат-эътибор билан қарашини келажакимизга бўлган ишонч, мўлатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эътиром ифодаси деб биламиз**”.

ТТА қошидаги академик лицей Ижтимоий фанлар кафедраси мудири **Ш.С. ЮНУСОВА**



TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 6-7 2017 YIL 17 IYUN

ХУШ КЕЛИБСИЗ, АБИТУРИЕНТЛАР!

Жонажон юртимизда нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлган Тошкент Тиббиёт академиясида етук мутахассислар, саломатлигимиз посбонлари – шифокорлар ўқиб таҳсил олади. Илм масканида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, талабаларнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар орасида келгусида етук педагогик кадрларни шакллантириш, академия жамоасининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бу даргоҳда талаба-ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, малакали профессор-ўқитувчилар уларга шифокорлик сирларини ўргатадилар. Ўқув масканида кафедралар ва илмий текширув лабораториялари юксак даражада замонавий ўқув ва текширув воситалари билан жиҳозланган. Шунингдек, академияда маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Қизиқарли учрашувлар, кўрик-танловлар, фестиваллар, спорт мусобақалари ва бошқа байрам тадбирлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, академияда ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишлари учун турли тўғараклар ҳам фаолият юритмоқда. Шу билан бир қаторда спорт мусобақаларини ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Эътиборлиси, вилоятлардан келган ёшлар учун барча зарур шароит ва қулайликларга эга бўлган талабалар турар жойлари мавжуд.

Оилаларимиз мустаҳкамлиги, фарзандларимизнинг соғлом вояга етишида шифокорлар масъулдирлар. Соғлом фарзандлар юртимиз келажак эканлигини унутмай зиммамизга юклатилган вазифани сидқидилдан бажаршимиз зарур.

Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланмоқда.

Малакали кадрларни тайёрлаб, юрт қорига хизмат қиладиган мутахассисларни етказиш олийгоҳимизнинг бурчидир.

Ҳурматли абитуриентлар! Сизнинг асосий вазифангиз барча имкониятларингизни, зеҳнингизни ишга солиб бўлажак тест синовларини муваффақиятли топширишдан иборат. Сизларга тест синовларида омад ёр бўлсин.
Л.ТУЙЧИЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори



МАГИСТРЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тошкент тиббиёт академиясида олий таълим тизимининг энг муҳим бўғини – магистратура мутахассислиги бўйича 2016-2017 ўқув йили битирувчиларига магистрлик дипломини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Маданий-маърифий тадбирда академия раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, магистратура босқичининг битирувчи талабалари, уларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирок этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тошкент тиббиёт академияси соғлиқни сақлашнинг замонавий йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлайдиган нуфузли олий таълим муассасаларидан биридир.

Тадбирни Тошкент тиббиёт академияси ректори Л.Туйчиев кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар тайёрлашга қаратилаётган эътибор ва бу борада эришилаётган ютуқлар, олий таълим тизимида магистратура босқичининг ўрни ва аҳамиятига тўхталиб, магистрлик дипломига эришган ёш мутахассисларни самимий кутлади.

Тантанали маросимда узоқ, машаққатли, айни пайтда шарафли илм йўлини босиб ўтган 235 нафар магистратура босқичи битирувчиларига диплом топширилди.

Академиянинг магистратура бўлими бошлиғи, доцент Абдураҳмон Имомовнинг берган маълумотига кўра, муассасада магистратура босқичида 44 та мутахассислик бўйича – 637 та магистр ўқиди. 2016-2017 ўқув йилида 41 та мутахассислики

235 нафар талаба битирди. 2016 йилда 200 дан ортиқ магистр талабалар хорж мамлакатларида малака оширишгани, конференция ва съездларда қатнашгани қувонarli хол. Академияни тамомланганлар республикамизнинг марказий шифохоналари ва ихтисослаштирилган марказларида фаолият олиб боришади.

Профессор-ўқитувчиларнинг берган билимларини оқлашга шайланган ёшларни суҳбатга чорлади.

– Бу шарафли касбни эгаллаш қувончли бўлиши билан бирга, кишига катта масъулият юклайди, – дейди психиатр йўналиши бўйича таҳсил олган магистр Гузал Мавлонова. – Мамлакатимизда аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг билими ва касб маҳоратини ошириш, касалликларни аниқлаш ва даволашда илм-фан ютуқлари ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шифокорлик касбига болалигимдан қизиққанман. Устозларимдан олган назарий билимларимни амалиётда мустаҳкамлаш учун шаҳардаги

Давоми 3-бетда.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOVOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdudodirova, D. Xudoyqulov


Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manziliimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun mu'ul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



*Ҳаётда сен қурашсанг фойда ё зиён учун,
Ўйламагил ўзингни дегил: “Бу жаҳон учун”.
Жонингни фидо қилиб ёрит ўзгалар уйин,
Шунда инсон бўласан, яшайсан инсон учун.*



Тошкент Тиббиёт академияси Президентимизнинг 2005 йил 19 июль ПФ-3629 Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 29 июлдаги 178-сон қарорлари асосида тугатилган биринчи ва иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтлари негизидан ташкил топди.

Ушбу фармонга асосан Тошкент Тиббиёт академиясида юқори малакали тиббиёт кадрларни тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш мақсадида, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замон талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий-техника базаси яратилган, илғор таълим технологиялари кенг жорий этилган.

Бугунги кунда академияда бакалавриатуранинг 6 та йўналишлари: даволаш иши, касбий таълим (даволаш иши), тиббий профилактика иши, тиббий биология иши, олий маълумотли ҳамширалик, ҳарбий тиббиёт иши, 46 та магистратура мутахассислиги бўйича талабалар таҳсил олишмоқда. Тиббиёт академияси нафақат Республикаимизда, балки мустақил Ҳамдўстлик давлатлари орасидаги энг йирик ва юқори илмий салоҳиятга эга тиббиёт олийгоҳидир.

Тошкент Тиббиёт академиясида 616 профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Ҳаётининг 347 нафари илмий даражага эга. Академия профессор-ўқитувчиларидан 2 таси ЎзФА академиклари, 11 таси Россия ва Европадаги турли академияларнинг академиклари, 117 фан докторлари, 214 нафари фан номзодлиги даражасига эга.

Тошкент Тиббиёт академияси таркибида 46 та турли йўналишлардаги кафедралар фаолият кўрсатмоқда. Барча кафедралар замонавий асбоб-ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳозирги кунда ўқув режаси бўйича барча фанлардан маърузаларнинг мультимедия вариантлари, ўргатувчи компьютер дастурлари, 100 та фандан 800 дан ортиқ видеофильмлар мавжуд ва дарс жараёнида қўлланилмоқда.

Тошкент Тиббиёт академиясида марказий илмий-текшириш лабораторияси, муассасалараро илмий-текшириш лабораторияси фаолият кўрсатмоқда.

Академияда 3509 дан зиёд талабалар, 630 дан зиёд магистрлар, 189 клиник ординаторлар, 13 та катта илмий ходим изланувчи тахсил олмоқда.

Бу масканда ҳар томонлама етук ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, ҳозирги кунда таълим беришда янги педагогик, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш сифатини объектив назорат қилиш орқали таъминланмоқда.

Тиббиёт академиясида таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий усулларидан қуйидагилар кенг қўлланилмоқда:

- ўқитувчи-назорат қилувчи дастурлар;
- иммитацион амалий ўйинлар;
- клиник ва диагностик масалалар;
- фантом масалалар;
- амалий кўникмаларни босқичма-босқич ўрганиш;
- электрон ўқув компьютер дастурлари;
- "далилларга асосланган тиббиёт" материалларидан кенг фойдаланилади.

Академияда талабаларнинг назарий билимлари компьютерлар билан жиҳозланган тест марказларида, амалий кўникмалари эса чет элдан келтирилган замонавий фантом ва муляжларга эга бўлган амалий кўникмаларни ўргатиш лабораторияси, яъни марказларида ўргатилади. Талабаларнинг ама-

лий фаолиятига тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида амалий кўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизими OSCE (объектив структуралли клиник имтиҳон) жорий қилинган.

Академия талабалари, магистрлари ва аспирантлари ҳар йили ўтказиладиган турли Республика ва халқаро миқёсдаги олимпиада ва кўрик-танловларда иштирок этиб совриндор бўлишмоқда.

Олийгоҳда талабаларнинг маънавий баркамол шифокор бўлиб шаклланишига ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, академияда маданият уйи, 12 та бадий ҳаваскорлик тўғрақлари ва 10 та спорт секциялари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тиббиёт академиясида маънавият ва маърифат бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, мураббийлар ва васийлар кенгаши, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, талабалар касабани уюшмаси ва деканатлар томонидан доимий равишда:

давлат арбоблари, етук олимлар, ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар, талабаларнинг давра суҳбатлари, топқирлар ва зукколар викториналари;

- "Клиникага йўл"
- "Спорт байрами"
- "Тамакига йўқ"

- "Рационал овқатланиш"
- "Овқатланиш сирлари"

- "Дори-дармонсиз саломатлик" каби тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилмоқда. Ҳар ойда ташкил этиладиган "Маънавият ва маърифат куни"да талабаларимиз турли музейларга, театрларга ташриф буюрадидилар.

Тошкент Тиббиёт академиясида илмий ишларга ҳам катта эътибор қаратилган, академиянинг кафедралари, илмий лабораториялари замонавий илмий-текшириш асбоб-анжомлари билан жиҳозланган бўлиб, талабалар ва изланувчилар юқори савияда илмий изланишлар олиб боришади. Барча кафедраларда талабалар илмий жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент Тиббиёт академияси кутубхонаси фондида 188420 дан зиёд китоблар бор. Шу жумладан: 98665 дан зиёд дарсликлар ва 25891 услубий қўлланмалар, 304028 монографиялар, 9665 дан зиёд турли йилларда чоп этилган журналлар, 15770 дан зиёд дарсликларнинг 15770 дан зиёд электрон версиялари, 57 номдаги Россия ва бошқа давлатларда чоп этиладиган журналлар ва 950 номдаги республикаимизда чоп этиладиган илмий-оммабоп журналлар мавжуд.

Тиббиёт академияси талабаларга дарс бериш билан бир қаторда ўзининг турли йўналишдаги замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган 3 та клиникасига эга бўлиб, клиник кафедраларнинг асосий қисми шу клиникаларда жойлашган. Ушбу клиникаларда даволаш ва ташхислаш ишлари малакали профессор-ўқитувчилар ва шифокорлар томонидан олиб борилмоқда.

Тошкент Тиббиёт академияси АҚШ, Корея, Буюк Британия, Россия, Миср Араб Республикаси, Исроил каби хорижий давлатларнинг ўқув, илмий ва даволаш марказлари билан сермаҳсул ҳамкорлик қилмоқда.

Академияда 7 мамлакатдан келган 27 дан зиёд хорижий талабалар ва магистрлар билим олишмоқда.

Ҳурматли абитуриент ва ота-оналар!

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНING БАКАЛАВРИЯТИГА ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА АБИТУРИЕНТЛАРГА

ЭСЛАТМА

(Давоми. Боши 10-бетда.) Жавоблар варақасини тўлдиришга тест синови учун белгиланган вақт меъёрига қўшимча 20 дақиқа ажратилади.

10. Абитуриент томонидан уяли телефонлар ва бошқа алоқа воситаларини олиб кириш ва фойдаланиш қатъий ман этилади.

Тест синовлари ўтказиладиган бинога киришда абитуриент микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, тест синовлари давомидан тест материалларини бошқа абитуриентга узатса ёки ёрдам берса, тест синови учун ажратилган вақт тугаганидан кейин тест материалларини топширишдан бош тортса, тест материалларини аудиториядан ташқарига чиқарса, саволлар китоби варағини йиртса абитуриент тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва Давлат тест маркази вакили ёки аудитория раҳбари ва кузатувчилари томонидан далолатнома тузилиб, абитуриент тест жараёнидан четлаштирилади.

11. Тест синовларини топшириш вақтида абитуриентнинг аудиториядан чиқиши тақиқланади, аудиториядан чиққан абитуриентлар қайтадан тест синовларига қўйилмайди, соғлигининг ёмонлашиши ва бошқа шу каби ҳолатларда тест материалларисиз қават бўйича вакил кузатуви остида аудиториядан чиқиш ҳоллари бундан мустасно.

12. Аудитория раҳбари томонидан тестни бажариш учун ажратилган вақт тугагани ва саволлар китобидан жавоблар варақасининг мос равишда фан блокларидаги доирачаларга бўяш учун қўшимча берилган йигирма дақиқалик вақт бошланганлиги эълон қилинганда абитуриент саволлар китоби билан ишлашни тўхтатиб, саволлар китобидан жавоблар варақасининг мос равишда фан блокларидаги доирачаларни бўяшни бошлаши, қўшимча ажратилган вақт тугагани эълон қилинганда жавоблар варақаси билан ишлашни тўхтатиши шарт.

Абитуриент тест саволлари ёки тест синовларини ўтказиш жараёни юзасидан эътирозлари мавжуд бўлганда, тест материалларини топширганидан сўнг, қабул комиссияси орқали Давлат тест марказига ариза билан мурожаат қилиши мумкин.





13. Тест синовларини белгиланган муддатдан олдин тугатган абитуриентлар ёки тест синовлари учун ажратилган вақт тугагач абитуриентлар тест материалларини топширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълим марказининг 2006 йил 21 декабрдаги 203-сонли буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 17 январдаги 27-сонли буйруғига биноан Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейи ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги 200-сон қарорига биноан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги Низом асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейи ҳар йили Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини табиий фанларга қизиқиши бўлган ўқувчиларни қамраб олади. Шунингдек, 9-синф битирувчилари учун "Очиқ эшиклар куни", "Ота-оналар мажлиси" тадбирлари амалга оширилиб лицейда таълим олишнинг афзалликлари, эришилган ютуқлар ҳақида батафсил маълумот

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

берилди. Ҳозирги кунда академик лицейда жами **557 та** ўқувчи тахсил олмоқда. Ҳаётининг педагоглар сони **45 тани** ташкил этади. Шулардан фан номзодлари **7 та**, доцент **3 та**. Академик лицейда жами **20 та фан тўғрақлари фаолият кўрсатади, 14 таси умумтаълим фанларидан, 6 таси спорт тўғрақларидир.** Ҳаётининг тахсил олишлари учун замонавий техника билан жиҳозланган тематик ўқув ва ўқув лаборатория хоналари, 2 та компьютер хонаси, инновацион техник жиҳозланган ахборот ресурс марказига, 314 ўринли замонавий тадбирлар залига эга. Академик лицей табиий фанларга йўналтирилган бўлиб, биология, кимё, она тили, адабиёт фанлари чуқурлаштирилиб ўтилади, ўз навбатида тиббиёт олий ўқув юртларига биология, кимё факультетлари мавжуд бўлган институт ва университетларга тайёрлайди. Академик лицейда ўқув-тарбиявий ишлар, илмий ишлар ва маънавий-маърифий тадбирлар Тошкент тиббиёт академияси билан узвий ҳамкорликда олиб борилади. Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси маънавият-маърифат бўлими, ўқув-услубий бўлими, илмий ишлар бўлими, АРМ бўлими ва биологик кимё, гистология ва тиббий биология, одам анатомияси, патологик анатомия, педагогика, психология ва тиллар кафедраси, биофизика ва информатика, ижтимоий-гуманитар кафедралари билан, ТТА 1-клиникаси ЎзМУ, Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистондаги Россия элчихонаси хузуридаги "Россотрудничество" ташкилот, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1- ва 2-сон академик лицейлар билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Бу ҳамкорлик натижасида академик лицей ўқувчилари Халқаро, шаҳар фан олимпиадаларида, **Омонова Чарос** 50-халқаро Д.И.Менделеев олимпиадасида 1-ўрин, **Абдуҳакимов**

Давоми 12-бетда.



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНING БАКАЛАВРИЯТИГА ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА АБИТУРИЕНТЛАРГА

ЭСЛАТМА

Ўқувчилар! Республикаимизнинг барча олий таълим муассасаларида тест синови жараёнига тайёргарлик бошланди. Сизларга тест синовини муваффақиятли топширишларингизда куч-қувват тилаймиз. Тест синовини топшириш жараёнида куйидагиларга амал қилишингизни эслатиб ўтишни лозим деб биламиз (7-§. Тест синовларини ўтказиш):

1. Абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган бинога паспорти ва абитуриент рухсатномаси билан видео кузатув орқали тартибли равишда киритилади.

2. Олий таълим муассасасида танланган таълим йўналишига қараб абитуриентлар тегишли равишда икки ёки уч фан мажмуалари бўйича тест синовини топширади.

Тест топшириқлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хуна таълими умум таълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

3. Тест синови эрталаб соат 8.30 да бошланади.

Абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган куни бино ҳудудига соат 8.00 гача, аудиторияга соат 8.30 гача фақат абитуриент рухсатномаси ва паспорти билан киритилади. Тест синовлари бошланган (соат 8.30)дан кейин абитуриент аудиторияга киритилмайди.

Соат 8.30 дан 9.00 гача абитуриентлар жавоблар варақасини тўғри тўлдирди тартиби билан танишадилар ва унинг тегишли жойига ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ёзадилар. Бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди.

Белгиланган вақтда тест синовлари келмаган абитуриентлар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

4. Тест бошлангандан кейин ҳеч ким аудиторияга киритилмайди ва тест топшириқлари бўйича абитуриентлар билан савол-жавоб қилинмайди.

5. Абитуриент жавоблар варақаси рақами билан саволлар китоби рақамининг бир-бирига мослигини ва саволлар китобида фанлар бўйича тест саволларида типографик хато ёки бошқа нуқсонлар йўқлигини текширади. Агар тест саволларида нуқсон бўлганда дарҳол бу ҳақда аудитория раҳбарига хабар беради.

6. Абитуриент жавоблар варақаси берилгандан кейин абитуриент рухсатномаси ва титул варақасининг тегишли жойларига жавоблар варақаси рақамини кўчириб ёзади. Шундан сўнг, титул варақасида кўрсатилган таълим муассасасининг коди, махсус код ва танлов кодини жавоблар варақасига кўчириб ёзади ва тегишли доирачаларни бўяйди.

7. Абитуриент томонидан титул варақасидан жавоблар варақасига кўчирилган таълим муассасаси коди,

махсус код ва танлов кодини абитуриентнинг таълим тили, таълим йўналиши, таълим муассасаси, ижодий ва чет тили имтиҳонлари баллари ҳамда ҳарбий имтиҳонини белгилловчи ягона маълумот бўлганлиги сабабли, тўлдирилмаган жавоблар варақаси бўйича натижа чиқарилмайди ва эътирозлар қабул қилинмайди.

Абитуриент жавоблар варақасининг 1-блокига ва саволлар китоби муқовасининг белгиланган жойига ўзи ҳақидаги тегишли маълумотларни ёзиб, имзо қўяди. Агар абитуриент томонидан ушбу маълумотлар киритилмаган тақдирда, ихтиёрий босқичда далолатнома тузилади ва тест синови бўйича натижа чиқарилмаслигига асос бўлади.

8. Саволлар китобидаги ҳар бир фан 36 та топшириқни ўз ичига олади. “Математика (информатика билан)” фанидан тест саволлари “Математика” фани бўйича биринчи 30 та савол, “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича охириги 6 та саволдан иборат бўлади.

Абитуриентга тест топшириқларини бажариш учун куйидаги вақт меъёрлари белгиланади:

72 саволга – 2 соат;

108 саволга – 3 соат.

Ҳар бир саволга 4 тадан (“А”, “В”, “С”, “D”) жавоблар варианты берилган бўлиб, абитуриент улардан фақат биттасини саволлар китобчасида белгилаши (саволлар китобида белгиланган жавобларни ўзгартириш мумкин), кейинчалик жавоблар варақасининг мос фан блокидаги доирача белгиланган тартибда бўяши керак (жавоблар варақасида белгиланган жавобларни ўзгартириш мумкин эмас).

Ҳар бир тест саволига фақат битта жавоб белгилаши шарт. Агар жавоблар варақасидаги “Белгилаш учун намуна” қоидага риоя этилмаса, жумладан битта саволга жавоблар варақасида тегишли доирача бўялмаса ёки икки ва ундан ортқ доирача бўялса ёхуд тўлиқ бўялмаса ушбу жавобга балл берилмайди.

Тўлдирилган жавоблар варақаси абитуриентнинг билим даражасини белгилловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

9. Жавоблар варақаси абитуриент томонидан ҳаво ранг пастали шарикли ручка билан тўлдирилади.

Жавоблар варақаси тўғри тўлдирилиши учун абитуриент шахсан жавобгардир. Жавоблар варақасидаги тегишли доирачаларни нотўғри белгиланган абитуриентларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

Давоми 11-бетда.

МАГИСТРЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

1-, 2-руҳий касалликлар шифохонасида амалиёт ўтадим. Олган билим ва кўникмаларимдан келгусида халқимиз соғлигини тиклашга қаратиб, уларнинг ишончини оқлашга ваъда бераман.

– Шундай улғу даргоҳни тамомлаб, магистрлик дипломини қўлга олганимдан хурсандман, – дейди эндокринология йўналиши бўйича магистр Сабоҳат Мираҳмедова. – Бизга таълим берган устозларимга катта миннатдорчилик билдирмоқчиман. Болалигимда касал бўлиб ётган беморларни кўрсам, ёрдам бергим келарди. Кейин бунинг учун билим олиш, оқ либос кийиб, дардмандларнинг дардига малҳам бўладиган шифокор бўлиш кераклигини тушундим. Айнан шу мақсад мени мазкур соҳани эгаллашимга туртки бўлди. Дардига малҳам истаган кишига ёрдам қўлини чўзиш шифокорларнинг вазифаси. Келгусида фаолиятимни поликлиникадан бошлашни ният қилдим. Чунки поликлиника аҳолига энг яқин ва ёрдам кўрсатувчи маскан ҳисобланади. Иккита фарзандим бор. Яқинларимнинг кўмаги билан мана шундай бахтли кунлар насиб этди.

Бу кун чиройли безатилган масканда қўлларида гул билан фарзандини табриклашга ошиққан ота-оналар, магистрларнинг яқинлари ҳам жамулжам бўлди.

– Ўғлимни шундай гўзал ва бахтиёр юрт фарзанди эканидан, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш учун тинмай ҳаракат қилиб, магистрлик дипломини қўлга киритганидан қалбим фахрга тўлди, – дейди магистр



Ҳабибжон Тоғаевнинг онаси Анорхон Қодирова. – Шифокорлик соҳасига қизиқиш кучлиги сабаб айнан Тошкент тиббиёт академиясига ҳужжат топширди. Халқимизнинг саломатлигини муҳофазалашга ҳисса қўшишни асосий мақсад қилган фарзандимнинг озулари ушалсин деб қоламан. 6 нафар фарзандим бор. Икки қизим ҳам ҳамшира бўлиб ишлайди. Қолган фарзандларим педагогика йўналишида фаолият олиб боришади.

Аҳоли саломатлигини мус-таҳкамлаш, келажақ авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун ўзларининг амалий сай-ҳаракатлари билан ҳисса қўшишга тайёр турган ёш шифокорларга келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Зиёда РАСУЛОВА,
Қ.НИЗОМОВ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТИББИЙ БИОЛОГИЯ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Тошкент Тиббиёт академиясида Тиббий биология таълим йўналиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги ПҚ-2534-сон қарорига асосан ташкил қилинди.

Таълим йўналиши – 5510900 – тиббий биология иши

Тиббий биология ва олий маълумотли

ҳамширалар факультети

Ўқиш шакли–кундузги

Ўқиш муддати – 4 йил

Мутахассислиги – фундаментал

тиббиёт

Мақсад–тиббий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, илмий ихтисослашган марказлар ва бошқа тиббий муассасаларда фундаментал ва амалий муаммоларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш.

Тиббий биология таълим йўналиши битирувчилари **шифокорлик амалиёти билан шуғулланишга ҳақли эмас.**

Тиббий биология иши бакалаврият таълим йўналишини битиргандан сўнг ишлаши мумкин бўлган мутахассисликлар

– Тиббиёт коллежларида умум тиббий

фанлар бўйича ўқитувчи (микробиология, анатомия, патологик анатомия, нормал

физиология, патологик физиология, гистология);

– Врач лаборант – соғлиқни сақлаш тизимида, санаторийларда, айрим ташкилот ва вазирликлар таркибидagi тиббий санитария бўлимлари, спорт-соғломлаштириш комплексларида;

Куйидаги йўналишлар бўйича:

– Клиник лаборатория диагностикаси;

– Клиник-биохимик лаборатория диагностикаси;

– Цитологик диагностика биопсияли

микроскопик диагностика билан;

– Иммуногистохимик диагностика;

– Иммунобиологик ва иммунофермент

диагностика;

– Серологик диагностика;

– ПЦР диагностика;

– Токсикологик лаборатор текшириш-

лар;

– Суд-тиббиёти экспертизасида лабо-

ратория иши;

– Тиббий статистика.

Тиббий биология иши таълим

йўналиши битирувчилари магистратура-

нинг куйидаги мутахассисликлари бўйича

ўқишни давом эттиришлари мумкин

– 5A140101 – Биология

– 5A140102 – Микробиология ва ви-

русология

– 5A140104 – Биотехнология

– 5A140105 – Биофизика

– 5A320502– Тиббий-биологик ускуна-

лар, тизимлар ва комплекслар

5A510118 – Морфология

Янги киритиладиган мутахассисликлар:

– Молекуляр генетика

– Физиология (нормал ва патологик

физиология);

– Тиббий лаборатор диагностика;

– Биотиббий технологиялар.

– Тиббий биология.

– Тиббий биохимия.

– Тиббий биофизика.

– Тиббий кибернетика.

– Молекуляр фармакология.

Тиббий биология иши таълим

йўналиши магистратура мутахассислик-

ларининг битирувчилари куйидаги муас-

сасаларда ишлаши мумкин:

Олий тиббий таълим муассасалари

тиббий-биологик кафедраларида педагог;

Илмий-текшириш институтлари, олий

таълим муассасалари клиникалари, их-

тисослашган марказлар, ҳар хил турдаги

даволаш-профилактика муассасалари,




санаторийлар, айрим ташкилот ва ва-

зирликлар қошидаги тиббий санитария

бўлимлари ва спорт-соғломлаштириш

мажмуаларининг лабораторияларида

илмий раҳбар ва мудир лавозимларида.



ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

Даволаш факультети 1931 йил Ўрта Осиё Давлат тиббиёт институти ташкил этилганда, Туркистон Давлат университети таркибидан ажралиб чиққан. Даволаш факультетида таҳсил олиб, кейинчалик факультетга раҳбарлик қилган, ҳамда жаҳон тиббиёти равнақиға ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ва кўшиб келаётган улуғ аллома устозларимиздан **А.Ходжаев, С.Долимов, А.Магруппов, Н.Мажидов, М.Ашрапова, Р.Нурмухаммедов, М.Мирзамухаммедов, Н.Муротхўжаев, А.Мўминов, Қ.Нажмутдинов, шунингдек академик Ш.Каримов, профессорлар П.Тошхўжаев, Х.Каримов, В.Аваков, А.Аталиев, А.Ҳакимов, Ш.Зокирходжаев сингари дунё таниган олимлар ана шу даволаш факультетидан етишиб чиққанлар.**

Факультетда таълим ўзбек, инглиз ва рус тилларида олиб борилади. Ўқиш муддати 7 йил. Таълимнинг дастлабки 5 йилида талабалар тиббий-биологик, клиник, гуманитар йўналишлардаги фанлар бўйича таҳсил оладилар. Ўқишнинг 6 ва 7-йилларида талабаларга “Умумий амалиёт шифокори” мутахассислиги ва дастури бўйича билим берилади. Факультет битирувчиларига “Умумий амалиёт шифокори” мутахассислиги берилади ва улар танлаган ихтисослиги бўйича магистратура ва клиник ординатурада ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Даволаш факультетининг 14 та кафедрасида олий малакали мутахассислар – 1 та академик, 62 та фан докторлари, 49 та профессор, 103 та доцентлар ва катта ўқитувчилар, 158 та ассистентлар фаолият юритмоқда. Даволаш факультети кафедраларида нафақат республикамиз, балки бошқа дунё мамлакат вакилларида иборат бўлган талабалар ҳам таълим олмоқдалар. Факультет фаолиятининг асосий ютуқларидан бири замонавий услублар ва технологиялар асосида барча таълим шакллари узлуксиз такомиллаштириб бориш ҳисобланади. Академиянинг асосий ўқув базалари нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё

мамлакатларидаги, балки МДХ давлатларида ҳам энг йирик ҳисобланган тиббиёт илмий-текшириш марказлари жойлашган.

Даволаш факультети талабалари биринчи курсданок тиббиёт билан яқиндан таниша бошлайдилар. Маърузалар, амалий дарслардан ташқари талабалар беморларни парвариш қилишни ўрганишади. Учинчи курсдан бошлаб талабалар тиббий биологик ва клиник кафедраларда таҳсил оладилар. Сўнгги йилларда факультетнинг клиник базалари анча кенгайтирилди.

Даволаш факультетининг барча курсларида инглиз тили гуруҳлари ташкил этилган. Ўтказилган конференциялар инглиз тилида олиб борилади. Даволаш факультетининг талабалари дастур бўйича ўтилиши лозим бўлган дарслардан ташқари илмий изланиш ишлари билан шуғулланишади. 2015-2016 ўқув йилида факультетнинг бир қанча талабалари ўз маърузалари билан АҚШ, Нидерландия, Германия, Корея каби мамлакатларда ўтказилган илмий конференцияларда катнашдилар. Ҳозирги кунда факультетнинг аксарият қисм талабалари “талабалар илмий жамияти”нинг аъзоси бўлиб, улар истаган фанлари соҳасида кафедра томонидан белгиланган

педагог раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борадилар. Талабаларнинг илмий ишлардаги иштироки натижасида академиянинг кўпчилик кафедралари битирувчиларимиз ҳисобига бойийди.

Талабаларимиз факультет, академия ва институтлараро миқёсда ўтказиладиган турли давра суҳбатларида, “Талабаларликка бағишлов”, “Клиникага йўл”, “Балли, қизлар”, “Спорт байрами” тадбирларда ҳам фаол қатнашадилар. Даволаш факультетининг барча шароитлар яратилган талабалар уйида вилоятдан ўқишга келган талабалар истиқомат қилишади. Талабалар уйида профессор-ўқитувчилар, мураббийлар, хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими етакчилигида етук олимлар, давлат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар ўтказилади. Талабаларимиз дарсдан бўш вақтларида академияда фаолият кўрсатиб турган бадиий ҳаваскорлик тўғрақлари, 15 та спорт секцияларига қатнашадилар.

Факультет кафедраларида талабаларнинг билимларни чуқур эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган бўлиб, ўқитишнинг илғор технологияларидан кенг фойдаланилади.

Ўқишда аъло кўрсаткичларга эришган, жамоат ишларида фаол иштирок этувчи, намунали одоб-ахлоқи билан ўрнатилган талабалар доим рағбатлантирилади. Факультетда Абу Али ибн Сино ва академик Ўктам Орипов номидаги стипендиялар соҳиблари таълим олмоқдалар.

Факультет талабалари орасида фанлар бўйича республика олимпиадаси ғолиблари ва спорт мусобақаси ғолиблари борлигидан фахрланамиз.

ТИББИЙ-ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ – МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

“Мустақиллик – бу давлатимиз барқарорлиги, буюк келажагимизнинг бунёди, ғуруримиз ва миллий онгимизнинг ўсиши, дунё халқлари орасидаги муносиб ўрнимиздир”, деб таъкидлайди Президентимиз.

Республикамиз мустақиллиги шарофати билан академиямизда тиббий-педагогика факультети очилди. Факультет талабалари ҳозирги замон билимларини эгаллаш, юқори савияли мутахассислар, ҳар жиҳатдан етук фуқаро ва ўз ватанига садоқатли инсон бўлиб етиштиришга ҳамма шароитлар яратилган.

Президентимизнинг “ҳамма ўз инсоний фуқаролик бурчини сидқидилдан бажариши керак” деган даъвати факультет талабалари учун дастурамал ҳисобланади ва унга ҳамма тўлиқ амал қилади.

Тиббий-педагогика факультетида иккита йўналиш бўйича – умумий амалиёт ва клиник таълим олиш факультетининг асосий тартиб-интизомни сақлашга, устозлар ва ўртоқларига яхши муносабатда бўлишга, тафаккур ва маданиятларини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Талабаларнинг самарали ўқиши учун кафедраларда барча шарт-шароитлар яратилган. Фундаментал кутубхона барча керакли бўлган ўқув адабиётлар, махсус хорижий ва маҳаллий адабиётлар, маъруза матнларининг электрон версиялари билан тўлиқ таъминланган. Ҳозирги кунда кутубхонада 600000 дан ортиқ китоб мавжуд. Талабаларнинг ихтиёрига замонавий таъ-

жарроҳлик, топографик анатомия фанларидан таълим оладилар. Клиник кафедраларда эса талабалар тиббиёт клиникасининг асосларини ўрганадилар. Бу кафедралар талабаларнинг фикр юритишига, касалликнинг келиб чиқиши, уларни даволаш ва олдини олиш бўйича дастлабки тушунчага эга бўлишларига ёрдам беради. Тошкент тиббиёт академияси ректорати томонидан талабаларнинг яхши ўқиши учун, назарий ва амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Ҳамма соҳа бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланган кутубхона ва компьютер хоналари мавжуд.

жарроҳлик, топографик анатомия фанларидан таълим оладилар.

Клиник кафедраларда эса талабалар тиббиёт клиникасининг асосларини ўрганадилар. Бу кафедралар талабаларнинг фикр юритишига, касалликнинг келиб чиқиши, уларни даволаш ва олдини олиш бўйича дастлабки тушунчага эга бўлишларига ёрдам беради.

Тошкент тиббиёт академияси ректорати томонидан талабаларнинг яхши ўқиши учун, назарий ва амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Ҳамма соҳа бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланган кутубхона ва компьютер хоналари мавжуд.

Факультет талабалари ўзларининг тиришқоқликларини билан устозларидан билимларни, кўникмаларни кўпроқ эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Адабиётлар билан мустақил ишлашга, янгиликларни ўзлаштиришга интилоқдалар. Ўзларида жавобгарлик ҳиссини оширишга, тартиб-интизомни сақлашга, устозлар ва ўртоқларига яхши муносабатда бўлишга, тафаккур ва маданиятларини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Талабаларнинг самарали ўқиши учун кафедраларда барча шарт-шароитлар яратилган. Фундаментал кутубхона барча керакли бўлган ўқув адабиётлар, махсус хорижий ва маҳаллий адабиётлар, маъруза матнларининг электрон версиялари билан тўлиқ таъминланган. Ҳозирги кунда кутубхонада 600000 дан ортиқ китоб мавжуд. Талабаларнинг ихтиёрига замонавий таъ-

минланган ўқув хоналари берилган. Талабаларнинг амалий фаолиятга тайёргарлик даражаси, амалий кўникмаларни ўзлаштиришни баҳолаш халқаро тизим OSCE (объектив структуралли клиник имтиҳон) асосида олиб борилади.




Факультет кафедралари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, улар академиянинг ўқув бинолари илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт марказларининг бўлимларида жойлашган. Клиник кафедраларда умумий амалиёт шифокори тайёрлаш борасида машғулотларни амбулатор-поликлиника шароитида олиб боришга катта аҳамият берилган бўлиб, машғулотлар замон талаблари асосида жиҳозланган аудиториялар ва лабораторияларда ўтказилади.

Факультет талабаларининг илмий изланишларига қизиқиши катта бўлиб, уларнинг аксарияти турли фанлар бўйича талабалар илмий жамиятида иштирок этмоқдалар.

Факультет талабалари фанлар бўйича ўтказилган Республика олимпиадалари, турли кўрик ва танловлар совриндори бўлишган.

Талабалар бўш вақтларини мароқли ва унумли ўтказишади. Ҳар ойда ташкил этиладиган “Маънавият ва маърифат” кунида талабалар ўз мураббийлари бошчилигида музейларга, театрларга ва бошқа маданий-маърифий муассасаларга ташриф буюришади. Шунингдек, турли миқёсда ўтказиладиган тадбирларда, учрашувларда, спартакиадаларда фаол иштирок этадилар.

Вилоятлардан келган талабалар учун барча қулайликларга эга бўлган талабалар турар жойлари мавжуд ва у ерда турли тўғарақлар мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.



Тошкент тиббиёт академиясининг 2017/2018 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича грант асосидаги қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича вилоятлар кесимида тақсимланиши

№*	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Сурхандарё			Кашкадарё			Жиззах			Сирдарё			Тошкент вилояти			Наманган			Фарғона			
				шу жумладан:			шу жумладан:			Шу жумладан:			Шу жумладан:			Шу жумладан:			Шу жумладан:						
				Жами	ўзбек	рус**	Жами	ўзбек	рус	Жами	ўзбек	рус	Жами	ўзбек	рус	Жами	ўзбек	рус	Жами	ўзбек	рус	Жами	ўзбек	рус	
		ТТА бўйича бўйича жами:	203	20	17	3	20	17	3	53	47	6	21	19	2	69	58	11	10	8	2	10	8	2	
<i>шу жумладан, таълим</i>																									
1	5510100	даволаш иши тиббий-профилактика иши	135	20	17	3	20	17	3	25	21	4	15	13	2	55	47	8							
2	5510300	опий хамшираллик иши	21							10	10		1	1		10	7	3							
3	5510700	даволаш иши	47							18	16	2	5	5		4	4		10	8	2	10	8	2	

Бугунги кунда ўқув жараёни таъминлаш учун бакалавриатуранинг барча йўналишлари (даволаш, тиббий-педагогика, тиббий-профилактика Тиббий биология ва ОМХ), ҳарбий тиббиёт ва магистратуранинг 44 та мутахассислиги бўйича янги ўқув дастурлари ва режаларига эга. Бу дастур ва режалар талабаларнинг мустақил билим олишига, тайёрланишига, ўқитиш жараёнини индивидуаллаштиришга қаратилган.

Ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги кунда таълим беришда янги педагогик, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш сифатини объектив назорат қилиш ва баҳолаш тизимини қўллаш орқали таъминланмоқда. Таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий усуллари:

- ўқитувчи-назорат қилувчи дастурлар,
 - иммитацион амалий ўринлар;
 - клиник ва диагностик масалалар;
 - фантом масалалар;
 - амалий кўникмаларни босқичма-босқич ўрганиш;
 - электрон ўқув компьютер дастурлари;
 - “далилларга асосланган тиббиёт” материалларидан кенг фойдаланилади.
- Барча кафедралар замонавий асбоб-ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳозирги кунда ўқув режаси бўйича 100 та фандан 800 дан ортиқ видеофильмлар мавжуд ва дарс жараёнида қўлланилмоқда.
- Талабалар, магистрлар ва аспирант-

лар бўйича давлат стипендиантлари: Бакалаврлар – Республика фан олимпиадаси ғолиблари 6 та
Врачлар ассотсацияси аъзоси ғолиби 1 та
ИБН Сино стипендианти – 2 та
Магистратура – 1 курс талабалари

ЎҚУВ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

3 та номдор стипендианти ғолиблари шулардан
2 та Ибн Сино стипендианти 1 та Президент стипендианти
Магистратура – 2 курс талабалари 5 та номдор стипендианти
4 та Ибн Сино
1 та Президент стипендианти
Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан;
180 дарсликлар, уларнинг 70 дан зиёди электрон шаклда;
1920 ўқув-услубий қўлланмалар, 1000 дан зиёд илмий мақолалар чоп этилган. Шу жумладан:

22000 дан зиёд дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар;
39778 дан кўп монографиялар;
15000 дан зиёд турли йилларда чоп этилган журналлар;

Талабалар билимлари 80 та компьютерлар билан жиҳозланган тест марказида, амалий кўникмаларни эгаллаш, ОСКЭ, ҚВП модулларида ҳолисона баҳоланади.

Битирувчиларнинг амалий фаолиятига тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида амалий кўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизими OSCE (объектив структурали клиник имтиё) жорий қилинган.

Талабаларнинг маънавий баркамол шифокор бўлиб шуғулланишларига катта эътибор қаратилган.

Маънавият-маърифат бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, мураббийлар ва васийлик кенгашлари, “Қамолот” ёшлар

ижтимоий ҳаракати деканатлар томонидан

– давлат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, профессорлар билан учрашувлар, талабаларнинг дилдан суҳбатлари, топқирлар, зукколик викториналари, “Клиникага йўл”, “Очиқ эшиклар куни”, “Олтин куз” фестивали сингари тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Академияда 12 та бадиий-ҳаваскорлик тўғараги, спорт секцияси фаолият кўрсатмоқда.



Факультет 1931 йилда ташкил этилган. Факультетда 900 га яқин талаба таълим олади, шу жумладан 300 нафардан ортиги Фарғона филиалида.

Факультетда ўқиш ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Факультет Узбекистонда ягона бўлиб, мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидаги шу йўналишдаги факультетлар орасида нуфузли ўринга эга. Факультетда ўқиш муддати 5 йил. Факультет талабалари 5 блок таркибидagi 50 дан ортиқ фанлар бўйича тахсил олишади: булар гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математика ва табиий илмий, умумқасбий, ихтисослик ҳамда қўшимча фанлардир. 6 курсдан бошлаб ихтисослик фанлари коммунал, меҳнат, овқатланиш, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, овқатланиш гигиенаси ҳамда эпидемиология фанлари бўйича врач, умумий гигиенист эпидемиолог мутахассислиги бўйича таълим оладилар.

Факультетда 11 та кафедра ва 1 та соғлиқни сақлаш мактаби қарашли бўлиб, уларда 136 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб келишмоқда. Улардан 29 нафари тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар, 41 нафари эса тиббиёт фанлари номзоди даражасига эга бўлган ходимлардир. Талабалар тахсил олиши учун факультет профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий қўлланмалар, ЭЎУМлар, маъруза ва амалий машғулотларнинг презентацион вариантлари, таркибига силлабуслар киритилган электрон ўқув моддалари мавжуд.

Факультетимизда Республикаимиз эпидемиология соҳасини, гигиена фанларининг ривожланишига ва соғлиқни сақлашни ташкил этилишига катта ҳисса қўшган профессорлар: Л.П.Пономарева, Ф.Х.Иноятов, Р.А.Собирова, Б.М.Маматқулов, З.З.Ҳакимов, Г.С.Бобонова, Ю.К.Жаб-

борова, Г.Шайхова, О.Миртазаев, Ф.Аюпова, А.Ваисов, Ш.Баҳридинов каби етук олимлар фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Факультет кафедралари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий-текшириш институтлари Давлат санитария эпидемиология назорати марказларида жойлашган. Инглиз тилини мукамал эгаллаган талабалар учун маърузалар ва амалий машғулотлар шу тилда ташкил этилган. Талабаларимизнинг 25 фоиздан ортиги турли фанлар бўйича талабалар илмий жамиятида иштирок этиб келишади. Факультет талабаларидан 10 нафари фанлар бўйича ўтказилган Республика олимпиадаси, 40 нафари эса турли кўрик-

эпидемиолог, паразитолог, бактериолог, вирусолог, токсиколог, соғлиқни сақлаш ташкилотчиси, врач-лаборант, коммунал гигиена, меҳнат гигиенаси, овқатланиш гигиенаси, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, радиацион гигиена, божхона ва солиқ кўмиталарида врач назоратчи лавозимларида фаолият кўрсатишлари мумкин ҳамда танлаган мутахассисликлари бўйича магистратура йўналишларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Факультет битирувчилари Республика вилоят ва туманларнинг ДСЭНМларида, тиббиёт клиникаларида (госпитал эпидемиологлар ва санитария врачлари, бакте-

риологлар, диетологлар ва клиник лаборатория врачлари, Республика карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси илмий маркази ва унинг филиалларида, ОИТСга

ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

танловларда иштирок этиб совриндорлар сафидан ўрин олганлар. Талабаларимиз Академия, шаҳар ва Республика миқёсида ўтказиладиган турли маънавий-маърифий тадбирларда, спартакиадаларда мунтазам иштирок этиб, доимо фахрли ўринларни эгаллаб келишади.

Вилоятлардан ва бошқа давлатлардан келган талабалар учун барча қўлайликларга эга бўлган талабалар турар жойлари мавжуд.




Талабаларимизнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш мақсадида факультетимизда барча шароитлар яратилган. Улар талабалар турар жойларида фаолият кўрсатиб турган “Ёш ижодкорлар” клубидаги тўғарақларда ҳамда жисмоний тарбия кафедраси ва “Шифокор” спорт клуби қошидаги спорт секцияларида мунтазам қатнашиб турадилар.

Ушбу факультетни битириб чиққан талабаларимиз ҳозирги кунда Республикаимизда ва чет элларда 20 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Факультет битирувчилари

қарши курашиш маркази ва унинг барча филиалларида, илмий-текшириш институтларида, Узбекистон ҳаво йўллари ва темир йўллари тизимидаги ДСЭНМларда, тиббиёт санитария қисмларида (Ички ишлар вазирилик, Миллий хавфсизлик қизмати, Мудофаа вазирилик) суғурта ва миципал тиббиёт муассасалари, ўрта ва олий тиббий ўқув муассасаларида ишлашлари мумкин.

Магистратурада тахсилни давом эттириб, мутахассис сифатида эпидемиолог, гигиенист, бактериолог, вирусолог, паразитолог, токсиколог, врач-лаборант, патологоанатом, диетолог, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш шифокори ва бошқаларда фаолият олиб боришлари мумкин.

Атроф-муҳитни асраш, инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилиш ва турли касалликларнинг олдини олиш тиббий профилактика факультети битирувчиларининг асосий вазифаси бўлиб, биз ўзининг ҳаётини шу ишга бағишламоқчи бўлган йигит ва қизларимизни факультетимизга қорлаймиз!



ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲАМШИРА ФАКУЛЬТЕТИ

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов фармойишига биноан Олий ҳамширалик йўналиши ташкил қилинди.

5510700 – “Олий ҳамширалик иши” йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашдан мақсад соғлиқни сақлаш тизимини юқори малакали, ҳар томонлама етук мутахассислар билан таъминлашдир.

Тошкент Тиббиёт академиясида олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган. Факультет талабалари академиянинг 23 та кафедрасида 50 та фандан билим олишади. Давлат таълим стандартига биноан фанлар 5 та блокка бўлинади.

1.Блок–гуманитар ва ижтимоий, иқтисодий фанлар (13 та фан)

2.Блок–математик ва табиий-илмий фанлар (8 та фан)

3.Блок–умумқасбий фанлар (17 та фан)

4.Блок–ихтисослик фанлари (ҳамширалик ишида бошқариш, акушерликда ҳамширалик иши, хирургияда ҳамширалик иши, реанимация ва анестезиологияда ҳамширалик иши)

5.Блок–қўшимча тайёргарлик фанлар (педагогика ва психология, технология ва маҳорат, танлов фанлар)

Бугунги кунда факультетда 267 та талаба таҳсил олмақда. Улардан 77 таси грант, 190 таси контракт асосида.

Дарслар жадвал асосида маъруза, амалиёт, семинар ва лаборатория машғулоти шаклида ўтказилади. Талабаларнинг амалиёт дарслари махсус тайёрланган тематик хоналарда олиб борилди. Амалий кўникмаларни ўзлаштиришда фантом ва муляжлардан кенг фойдаланилади.

ТТАда ОМХ факультети талабалари учун ушбу ўқув йилида ўқув жараёнини соғлиқни сақлаш амалиётига максимал яқинлаштириш, амалий кўникмаларни чуқурроқ ўргатиш, олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлашда кафедралараро интеграцияни кучайтириш учун ОМХ ўқув маркази ташкил қилинди.

Ушбу марказда 3 ўқув бўлим – терапевтик, хирургик, акушерлик, шунингдек кутубхона компьютер зали билан, ўқув

хонаси мавжуд.

Талабаларнинг дарсларга тайёрлаши учун кутубхона, виртуал кутубхона, компьютер заллари мавжуд.

Академиямиз кутубхонасида Олий ҳамширалик йўналиши бўйича ўзбек, рус тилларида замонавий адабиётлар мавжуд. 3-курс талабалари ўзлари танлаган йўналишлари бўйича дарс ўтишади (акушерлик иши, анестезиология ва реанимацияда ҳамширалик

лабаларга 127 та педагог дарс бермоқда. Улар орасида профессорлар 20 фоиз, доцентлар 25 фоиз, катта ўқитувчилар 20 фоиз, ассистентлар 35 фоиз. Илмий салоҳият 65 фоизи ташкил қилади.

Академияда ўтказиладиган “Спартакиада” ўйинлари факультет аънасига айланиб қолди. Факультет ўқитувчилари ва талабалари спортнинг барча турларида қатнашиб йилдан йилга яхши натижаларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Факультет талабалари академияда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этишади. Жумладан “Қовоқ сайли”, “Балли, қизлар”, “Қувноқлар ва зукколар”. Факультет талабалари орасида фанлар бўйича ўтказилган Республика олимпиадаси, ҳамшира кўриктанловлари совриндорлари бор.

ТТА ўқув бўлими ва профессор-ўқитувчилари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги шотландиялик (Эдинбург ш.) мутахассислар кўмагида олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш дастурини жаҳон андозасига мос равишда ўзгартиришди ва 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб факультет талабалари ушбу янги дастур асосида ўқитилмоқда. Ушбу дастур талабаларни тайёрлашда кўпроқ амалий кўникмаларга эътибор беришга қаратилган.

Факультетда ўқиш муддати 3 йил. Битирувчилар барча даволаш муассасаларида етакчи ҳамшира, катта ҳамшира, менежер ва тиббиёт коллежларида ўқитувчи бўлиб ишлашлари мумкин.

Олий маълумотли ҳамшира факультети битирувчилари “Ҳамширалик ишини ташкил қилиш ва бошқариш” йўналиши бўйича магистратурада ўқишни давом эттиришлари ҳам мумкин. Магистратурада ўқиш муддати 2 йил.

Олий маълумотли ҳамшира – давр талаби!

ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР!

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати, қабул ҳайъати сизларни қуйидагилар бўйича огоҳлантиради:

Тошкент Тиббиёт академияси талабалари сафига киритиб қўяман деган турли кимсаларнинг берган ваъдаларига умуман ишонман! Бундай кимсалар товламачи ёки фирибгар эканлигини эслатиб ўтамиз.

ТТА ректори, проректорлар, факультет деканлари ва қабул ҳайъати аъзолари ТТА га ўқишга киришга ёрдам бера олмайдилар.

Тошкент Тиббиёт академиясига ўқишга киришнинг асосий мезони билим ҳисобланади.

УВАЖАЕМЫЕ АБИТУРИЕНТЫ И РОДИТЕЛИ!

Ректорат Ташкентской медицинской академии и приемная комиссия предупреждают Вас о следующем:

Не доверяйте лицам, обещающим помочь в поступлении в ряды студентов. Предупреждаем, что такие люди являются мошенниками.

Ректор ТМА, проректора, деканы факультетов и члены приемной комиссии не могут Вам помочь в поступлении в ТМА.

Основными критериями поступления в Ташкентскую медицинскую академию являются знания.

иши, жарроҳликда ҳамширалик иши, менежмент).

Олий маълумотли ҳамшира факультети талабаларига амалий машғулотларни кафедраларда асосан доцент ва тажрибали ассистентлар олиб боришади. Маърузаларнинг 70 фоизи профессорлар, 30 фоизи доцентлар томонидан ўқилади.

Педагогик салоҳият тўғрисида тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда та-

Тошкент Тиббиёт академиясида 2017/2018 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқиш тиллари бўйича тақсимланиши

№*	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида		Тўлов-контракт асосида			
				Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
					ўзбек	рус**		ўзбек	рус
ТТА бўйича бўйича жами:									
шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича			550	228	194	34	322	274	48
1	5111100	касбий таълим (тиббий педагогика иши)	50	15	12	3	35	30	5
2	5510100	даволаш иши	290	135	115	20	155	132	23
3	5510300	тиббий-профилактика иши	70	21	18	3	49	42	7
4	5510700	олий ҳамширалик иши	90	47	41	6	43	36	7
5	5510900	тиббий биология иши	50	10	8	2	40	34	6

Тошкент Тиббиёт академиясида 2017/2018 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқиш тиллари бўйича тақсимланиши

№*	Шифр	Мутахассисликлар	Жами	Давлат грантлари асосида		Тўлов-контракт асосида			
				Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
					ўзбек	рус**		ўзбек	рус
ОТМ бўйича жами:			283	60	47	13	223	183	44
шу жумладан, мутахассисликлар бўйича									
1	5A510101	Акушерлик ва гинекология	12	2	2	0	10	8	2
2	5A510102	Эндокринология	7	1	1	0	6	5	1
3	5A510103	Терапия (йўналишлар бўйича)	24	4	3	1	20	17	3
4	5A510104	Оториноларингология	8	2	2	0	6	5	1
5	5A510105	Кардиология	14	2	1	1	12	10	2
6	5A510106	Офтальмология	8	1	1	0	7	6	1
7	5A510107	Инфекцион касалликлар (йўналишлар бўйича)	18	9	6	3	9	6	3
8	5A510108	Дерматовенерология	7	1	1	0	6	5	1
9	5A510109	Неврология	8	4	3	1	4	3	1
10	5A510110	Умумий онкология	18	2	1	1	16	14	2
11	5A510111	Психиатрия	6	3	2	1	3	2	1
12	5A510112	Хирургия (йўналишлар бўйича) шу жумладан торакал хирургия	22	3	2	1	19	15	4
		Функционал ва инструментал текшириш усуллари (йўналишлар бўйича)	4	0	0	0	4	3	1
13	5A510113	Нейрохирургия	18	3	2	1	15	13	2
14	5A510114	Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат саломатлигини сақлаш	7	2	2	0	5	4	1
15	5A510115	Тиббий психология	6	1	1	0	5	4	1
16	5A510116	Урология	6	2	1	1	5	4	1
17	5A510117	Морфология (йўналишлар бўйича)	7	2	2	0	4	3	1
18	5A510118	Наркология	6	1	1	0	5	4	1
19	5A510119	Анестезиология ва рениматология	6	1	1	0	5	4	1
20	5A510120	Травматология ва ортопедия	8	1	1	0	7	6	1
21	5A510121	Суд тиббиёт экспертизаси	6	3	2	1	3	2	1
22	5A510122	Патологик анатомия	6	1	1	0	5	4	1
23	5A510123	Шошилич тиббий ёрдам	6	1	1	0	5	4	1
24	5A510124	Фармакология	6	1	1	0	5	4	1
25	5A510125	Спорт тиббиёти	6	1	1	0	5	4	1
26	5A510126	Диетология	2	1	1	0	1	1	0
27	5A510127	Педиатрия (йўналишлар бўйича)	4	2	1	1	2	1	1
28	5A510201	Гигиена (йўналишлар бўйича)	8	1	1	0	7	5	2
29	5A510301	Олий ҳамширалик иши	2	1	1	0	1	1	0
30	5A510701	Атроф муҳит ва инсон саломатлиги	15	0	0	0	15	12	3

